



ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 март куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳаёт талаби билан бунёдкорлик кўлами ортмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрида жуда кўп ижтимоий-иқтисодий иншоотлар қурилди. Давлатимиз раҳбари бу масалани алоҳида эътиборга олиб, пойтахтнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, келгусидаги қурилишларни шаҳар ташқарисидида қилиш вазифасини кўйган эди.

Шунга мувофиқ, Янги Тошкент шаҳарчаси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Тақдиротда Президентимизга шу ҳақида ахборот берилди.

Унга кўра, биринчи босқичда 6 минг гектарда бунёдкорлик қилиш режалаштирилган. Шундан келиб чиқиб, истиқболли қурилиш ҳудудлари, янги шаҳар билан пойтахтни бирлаштирувчи асосий йўллар схемалари ишлаб чиқилган.

Шаҳарча янги маъмурий ва иқтисодий марказ бўлади. Пойтахтнинг шарқий қисмида, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳудудида барпо этилади. 800 минг аҳолига мўлжалланган бўлади.

У ерда вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, театр, кутубхона, меҳмонхоналар, турар жой бинолари, боғлар урин олади. Хусусан, яшил

худудлар 363 гектарни ташкил қилиши кўзда тутилган.

Маълумки, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Бугунги кунда бинолар қуриб битказилиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Мажмуа деворлари миллий нақшлар билан сайқалланади, нақошлик ва хаттотлик санъати уйғунлашади. Унинг деворларига қадимий услубда Қуръони карим суралари ва ҳадислар ёзилади.

Президентимиз ташаббуси билан мажмуада Имом Бухорий музейи ҳам ташкил этилиши режалаштирилган. Тадбирда ушбу музейнинг концептуал лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Музей бой маданий қадриятларимизни ўзида жам қилиш баробарида замонавий дизайнга эга бўлади. 8 та павильон, хусусан, Муҳаммад алайҳиссалом ва нубувват тарихи, ҳадис илмининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, Имом Бухорий фазилатлари, болалар бўлими, “Ал-жоме ас-саҳиҳ” — ислом динининг иккинчи манбаси, Имом Бухорий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, Янги Ўзбекистонда диний-маърифий ислохотлар ва Имом Бухорий меросига эътибор каби мавзуларга бўлинади.

Давлатимиз раҳбари музейдан ўрин олган ҳар бир ашё ва визуал маълумот зиёратчиларга маърифат етказиши кераклигини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимизда бизнес муҳит яхшиланиши сари ташқи савдо алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Бунга мутаносиб равишда божхона инфратузилмасини ҳам ривожлантириш зарурати туғилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан chegarадаги “Ғишткўприк” божхона пости орқали ҳар куни кўплаб инсонлар ўтади.

Шу боис, мазкур божхона пости учун замонавий мажмуа барпо этиш режалаштирилган. Янги терминал, автомобиль йўли, автотураргоҳ, ошхона, тиббиёт хонаси, савдо ва маиший хизмат шохобчалари барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

Президент мажмуада йўловчилар учун барча қулайликларни яратиш, божхона назорати ва юкларни ўтказиш жараёнини рақамлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдиротда, шунингдек, мамлакатимизнинг Бирлашган Араб Амириклари ва Озарбайжон Республикасидаги элчихоналарининг янги бинолари лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

ЎЗА

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШИБ

“ҲЕЧ КИМНИ ОРТДА ҚОЛДИРМАСЛИК”

Барқарор ривожланиш мақсадлари нима учун ушбу тамойилга асосланади?

БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси “2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш”ни ўз зиммасига олган. Бу борада, айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. Мазкур масала Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келяпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаларида Ўзбекистонда мазкур миллий мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш йўллари белгилаб берилган.



Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида минтақавий ва глобал миқёсда тинчликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этишни кўллаб-қувватлаш, конструктив мулоқотни кенгайтириш,

шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси, қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш каби долзарб масалалар юзасидан бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

▶ Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС



2023 йил 10 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўз ишини давом эттирди. Унда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масала атрофида кўриб чиқилди. Мажлисида Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда энг яхши таклифларни илгари сурган бир қатор фаол фуқаролар ҳам иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

ЙИЛБОШИНИНГ КИШИЛАРГА ЯХШИ ТОРТИҚЛАРИ БОР

Минг йил аввал аждодларимиз кўкламни қандай кутиб олишган?

Эскилар тақвимида янги йил (йилбоши) кўкламдан бошланади. Янги турк-мучал йили ҳам ана шу кезде кириб келган. Туркий халқларнинг янги йил бошланиши, Наврўз ҳақидаги қарашлари, удумлари халқ оғзаки ижоди намуналарида, эски ёзма манбаларда тамгаланиб қолган. Туркий тилларда вақтни англатувчи тушунчалар ўта ривожланган. Ҳатто “ой” ва “кун” тушунчалари кўк ёриткичларнинг отлари билан боғлиқ. Масалан: “кун” сўзининг ўзаро уйғун икки хил маъноси бор: (1) Қуёш, кўк ёриткичи; (2) бир кеча-кундуз; Ернинг ўз ўқи теварагида бир айланиб олиш даври. Шу сингари, “ой” сўзи ҳам икки маъноли: (1) Ой, кўк ёриткичи; (2) бир ой; Ойнинг бир айланиб чиқиш даври.



▶ Давоми 6-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”: КЕЛАЖАК ЭНЕРГЕТИКАСИ ЛОКОМОТИВИ

Ўзбекистонда ҳам аҳоли сони кўпайиши ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиб боргани сари электр энергиясига бўлган талаб ошиб бормоқда. Сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ортгани фикримиз тасдиғидир. Эътиборлиси, бу рақам бир жойда тўхтаб қолаётгани йўқ, ўсиш йилига 6 фоизни ташкил этапти.

▶ Давоми 4-бетда

МУЛОҲАЗА

ҲАЁТГА ҚАНДАЙ КЎЗ БИЛАН ҚАРАЙСИЗ?

Инсоннинг табиати қизиқ-да. Атрофда рўй бераётган воқеаларга ҳар ким ўз манфаати, аниқроқ айтганда, ўз нафси мезонлари билан баҳо беради. Бир оилада машина ҳаммага хизмат қиларди. Ўғил отасига айтди: — Машинанинг баллонлари едирилиб кетибди, шуни мен сотиб олай. Бир чеккасида ўзим ҳам ўтираман. Бу нарсага ҳамёни юпқа бўлган ота рози бўлибди.

Фалокат оёқ остида деганларидек, ота машинани туртиб олибди. Буни эшитган ўғил сўрабди: — Ишқилиб, баллонлар шикаст емадимми? Нега бундай сўраганини тушундингиз-а?! “Баллонлар менинг пулимга келган”, демоқчи.

Яна бир мисол. Анча кундан буён атрофни чанг босган эди. Бирдан ёмғир ёғди. — Оббо, яна ёмғирми? Ойда, йилда бир бозор, унияма ёмғир бузар.

▶ Давоми 5-бетда

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

70 ФОИЗГА КЎП ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИ ЕТИШТИРИШ ЗАРУРАТИ



▶ 2-бетга қаранг.

ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН МУСТАҚКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС



Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоиз, 9 март куни бўлиб ўтган мажлисда қонун лойиҳасини ҳар бир модда бўйича кўриб чиқиш жараёнида депутатлар томонидан уни янада такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Масъул кўмиталар ҳар бир таклифни синчиқлаб ўрганиб, чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ақсариятини лойиҳа матнида акс эттирди.

Мажлисда Конституциявий қонун лойиҳасининг ўтиш қоидалари модда-модда

муҳокама қилинди. Мазкур қоидалар билан конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг кучга кириш муддатлари ва тартиби батафсил белгиланган.

Шунингдек, берилган тақлифлар асосида Конституциявий қонун лойиҳасидаги нормалар такомиллаштирилиб, маромига етказилган янада юксалтириши ва ҳаётинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиши ҳамда мамлакатимиз тарқиётида янги даврни бошлаб бериши қайд этилди.

Мажлис якунида депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси мажлисида, шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда энг яхши тақлифларни илгари суғраб фуқароларга миннатдорлик билдирилди.

Сўз олганлар конституциявий ислохотлар фуқароларимиз фикри ва қўллаб-

қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширилишини том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси қабул қилиниши сифатида алоҳида эътироф этди.

Депутатлар Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум санасини 2023 йил 30 апрель деб белгилаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг референдумни ўтказиш тўғрисидаги қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳулосасини олиш тўғрисидаги масалани ҳам қўллаб-қувватлади.

Янгиланган Конституция ижтимоий, демократик-ҳуқуқий ва чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада юксалтириши ва ҳаётинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиши ҳамда мамлакатимиз тарқиётида янги даврни бошлаб бериши қайд этилди.

Мажлис якунида депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси мажлисида, шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда энг яхши тақлифларни илгари суғраб фуқароларга миннатдорлик билдирилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ

Баҳор — дарахтлар куртак ёзиб, барг чиқарадиган, дарё ирмоқларию ариқларга сув тўладиган, даладар, қиру адирларда майсалар кўкка бўй чўзадиган уйғониш палласи. Кўнгилларимизга илиқлик улашувчи, янгидан-янги орзу-умидлар олиб келувчи фараҳбахш фасл. Она табиатнинг бу тақдир янгиланиш, ёшариш жараёни, энг аввало, миришкор фермерлар, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси вакиллариини ҳаракатга келтириб, янги мавсум таралдудини бошлаб беради. Бободехқонларимиз қўлига иш қуроллини олиб, даласидаги сув йўллари тозалайди, боғидаги дарахтларга шакл беради...

Яна бир эътиборли жиҳат. “Агросервис оператор” ДУК фаолият режасидан интенсив боғ ва тоқзорларни ташкил этиш ишлари ҳам ўрин олган. Шундан келиб чиқиб, Жаҳон банкининг 65 миллион доллар маблағи ҳисобидан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида фермер ҳўжалиқлари ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган 10 гектардан кам бўлмаган, боғдорчилик ва узумчилик учун ажратилган ерларда интенсив боғ ва тоқзор-

70 ФОИЗГА КЎП ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИ ЕТИШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Азиз ШУКУРОВ,
Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросервис оператор” ДУК директори



қишлоқ ҳўжалигида мўл ҳосил етиштириш, ички ва ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда касалликларга чидамли уруғ ва кўчатлар, моддий-техник ресурслар бирламчи омил ҳисобланади.

Президентимизнинг 2022 йил 27 апрелдаги “Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига зарур техник ресурслар, уруғ ва кўчат етказиб бериш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги хизматларини кўрсатиш вазираси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросервис оператор” давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш жараёنларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажминини ошириш мақсадларига қаратилган мазкур ҳўжат соҳа ривожини йўлида қатор қўлайлиқлар яратди, дейиш мумкин. Жумладан, қарор билан қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўчатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дук-какли ва мойли экинларни етиштиришда моддий-техник ресурслар, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш учун бир йил муддатга, 11 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 10 фоиз ставкада бюджет сусдаси ажратилиши белгиланди. Шунингдек, қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчилар, жумладан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги экинларини харид қилиш учун талаб этиладиган айланма маблагни тўлдиришга йиллик 14 фоиз ставкада қарз ажратилиши кўзда тутилди.

Корхонамиз томонидан ўтган йили қарор ижроси доирасида 5 минг 500 га яқин фермер ҳамда деҳқон ҳўжалигига 105 миллиард сўмлик моддий-техник ресурслар, жумладан, бунинг самараси ўлароқ, 55 минг гектардан ортиқ майдонда озиқ-овқат маҳсулотини етиштирилди. Ўз навбатида, 100 мингдан ортиқ кишининг мавсумий ва доимий бандлиги таъминланди.

Олимларнинг ҳисоб-китобида кўра, 2050 йилга бориб Ер сайёраси аҳолиси 9,6 миллиардга етади. Уларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун эса бугунгига нисбатан 70 фоиз кўп маҳсулот керак бўлади. Экологик вазият ёмонлашиши, энергия қимматлашуви ва ер унумдорлиги пасайиб кетиши каби омиллар талаб даражасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга жиддий тўсиқ бўлади. Демак, мазкур жаҳага инвестиция киритиш,

лар барпо этиш, шунингдек, яроқсиз, самарасиз боғ ва тоқзорлар урнига янгисини яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилапти.

Мазкур лойиҳа ҳисобидан дастлаб боғ ва тоқзорлар барпо қилинадиган ер майдонининг иқлим шароити, тупроқ ва сув таркиби ўрганилади, яъни зарур таҳлиллар ўтказилади. Ер ости сувлари захираси ва сифати тўғрисида гидрогеологик ҳулоса олинади. Интенсив боғлар лойиҳа доирасида лудратчи томонидан 3 йил давомида парвартиш қилинади. Ўз ўрнида, амалий ўқитиш ва тажриба алмашиш йўлига қўйилади ҳамда 3 йил давомида малакали агрономлар томонидан ўқитилади.

Шунингдек, янги боғларда сертификатланган кўчатлар экилиб, парвартишланади. Қолаверса, боғларда замонавий техника воситалари — чангловчи, ёввойи ўтларни механик равишда йўқ қилиш тизими, ҳосилни йиғиш ва томчилатиб сўғориш йўлига қўйилади.

Яна бир жиҳат. Жаҳон банки халқаро консўльтантлари томонидан 10 йиллик харажатлар ва даромадларнинг деталлаштирилган лойиҳа режаси ва смета харажатлари тайёрланади. Бунда ҳар мавсумда ишлатиладиган ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун талаб этиладиган қиммий моддалар миқдори, ҳодимлар иш ҳақи, электр энергияси, ёқилғи ва бошқа харажатлар прогноз қилинади.

Ушбу лойиҳа асосида “Агросервис оператор” давлат унитар корхонаси фермер ва тадбиркорларимиз, шу соҳада фаолият юритишни мақсад қилган юрtdошларимизга керакли ёрдам ва зарур хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кечаётган ислохотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий барқарорлигига эришиш, берилган имтиёзлар эса қишлоқ ҳўжалигининг экспорт салоҳиятини ошириш, энг муҳими, аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишига хизмат қилмоқда.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Худудларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмлар татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларни қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш каби қатор йўналишларда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ОДАМЛАРДА ШУҚРОНАЛИК ТУЙҒУСИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

Жорий йилда мамлакатимизда инсон омилга эътибор ва ғамхўрлик янги босқичга кўтарилди. Аҳоли муаммоларини манзилли ўрганиш ва ижобий ҳал этиш юзасидан олиб борилган қўллаб-қувватлаш ишлари бугунги кунда Навоий вилоятининг Навбахор туманида ҳам аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларда буй кўрсатди.

Айниқса, туманда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган “Оққўрғон тажрибаси” асосида аҳолининг турли масалалардаги мурожаатлари секторлар кесимида хонадонбай ўрганилиши юзасидан ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилгани мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда туманда ишчи гуруҳлар томонидан аниқланган муаммолар штабда мувофиқлаштирилиб, қисқа фуқароларда ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмақда. Бу эса оддий одамлар ҳаётига ижобий ўзгаришлар билан бирга янги маъно ва мазмун олиб кириб, уларнинг эртанги кунга ишончи ортишига хизмат қилмоқда.

Жараёнда тумандаги мавжуд 41 маҳаллада 24 496 хонадон, 255 ижтимоий соҳа объекти



ўрганилиб, 1600 га яқин муаммо аниқланди ва 679 таси, яъни 43 фоизи ижобий ҳал этилди, 890 масала бўйича ишлар назоратга олинди.

Шунингдек, аҳоли мурожаатларини ўрганишда асосий эътибор уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига қаратилди. Худудда 10 мингдан зиёд хонадонда тиббий патронаж тадбирлари ўтказилиб, 35 мингга яқин аҳоли қамраб олинди. Қўп тармоқли марказий оилавий поликлиникасида 12 нафар виллоят мутахассислари, туман шифохонасида 35 нафар врач иштирокида 215 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 94 нафариди турли касалликлар аниқланиб, 88 нафари амбулатор муолажага тавсия этилди ва 4 фуқаро тумандаги кундузги стационарга, 1 нафари туман шифохонасига ётқизилди. 5 кишининг имтиёзли ордер масаласи ҳал этилди ва 15 нафар эҳтиёжмандга бепул дори-дармон берилди.

Тиббий кўриқлар жараёнида хотин-қизлар саломатлиги ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, аёлларда учрайдиган кўкрак бези саратони касаллигини эрта аниқлаш бўйича сўнгги технологиялар билан жиҳозланган кўчма тиббиёт пунктида малакали шифокорлар томонидан олис худудларда ҳам тиббий кўриқлар ташкил этилди.

— Айни вақтда туман аҳолисини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш кўзда тутилган, — дейди Навбахор тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Бобожон Ғафоров. — Бунинг учун малакали шифокорлар жалб этилган. Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида замонавий тиббий жиҳозлари бўлган кўчма тиббий пункт ва махсус машиналар хизмати йўлга қўйилди. Туманимизда ётоқдаги 256 нафар бемор бор. Кўчма тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилгани шу каби беморларни жойида текширувдан ўтказиш ва зарур муолажалар қилиш имконини бермоқда.

Мутахассис шифокорлар, патронаж ҳамширалар ва ўрта тиббиёт ходимлари томонидан тумандаги Ҳаловаттепа, Қалқон ота, Мирзо Улуғбек, Тошработ ва Ўзбекистон маҳалларида 11 минг 587 киши билан соғлом турмуш тарзи, касалликлар профилактикаси, мавсумий касалликлар бўйича суҳбатлар ўтказилиб, диспансер назоратидаги 3032 нафар беморга зарурий тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Ҳаловаттепа маҳалласида яшовчи Суннат Узоқов бундан олти йил аввал бахтсиз ҳодиса сабаб тўшақда қолган. 33 ёшли бемор саломатлиги малакали шифокорлар назоратида эканидан, айниқса, бугун юртимизда инсонга эътибор олий қадрият даражасига кўтарилаётганидан бениҳоя мамнун.

— Айни вақтда саломатлигимда ижобий ўзгаришлар бўлмоқда, — дейди Суннат Узоқов. — Шифокорлар тез-тез хабар олиб турибди ва зарур муолажаларни ётоқда бўлганлигим учун уйда олялман. Биз қабилига шундай имкониятлар ва қўлайлиқлар яратилаётгани, эътибордан четда қолдирилмаётганидан миннатдорман.

Айни вақтда туманда мана шундай ислохотларга ҳамоҳанг улкан қурилиш бунёдкорлик ишлари кириб бормоган бирор ҳудуд, бирор хонадон йўқ. Қай манзилда бўлманг, аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларга гувоҳ бўласиз. Масалан, тумандаги Қизилой, Хашман ҳамда Қизилработ маҳалларида ички йўлларга шағал ётқизилди. Биргина ўтган 2022 йилда тумандаги 200 километрдан ортиқ йўлда таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, шундан 100 километрдан зиёд қисми хашар йўли билан шағаллаштирилди. Ички йўлларнинг 15 километрга бетон ва 18 километрга асфальт ётқизилди. Айни кунларда 45 километр ички йўлларни шағаллаштириш қизгин давом эттирилмоқда.

Аҳоли муаммолари, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш ишлари 3-сектор худудида ҳам қизгин давом этмоқда. Қалқон ота

маҳалласида ташкил этилган сайёр қабулда мутасаддилар томонидан сектор худудидаги 11 та маҳалла фуқароларининг мурожаатлари тингланиб, мавжуд муаммоларнинг ақсарияти жойида ҳал этилди. Жумладан, Навбахор маҳалласида ичимлик сув таъминоти яхшилаш ва Арабсарой ва Қоражон маҳаллаларидан ўтувчи тармоқда юзага келган носозликлар қисқа муддатда бартараф этилди.

Қоражон маҳалласи туманининг энг чекка худудларидан бири. Бу ерда кейинги йилларда янги қурилган ҳовли жойлар қад ростлаган бўлса-да, аҳоли хонадонларига етарлича коммуникация тармоқлари етиб бормоган, ичимлик сув билан боғлиқ муаммо энг оғир масала бўлиб келаётган эди. Урганшилар давомида ушбу муаммони ҳал этиш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, аҳолининг газ таъминотидаги мавжуд муаммоларга ҳам эътибор қаратилди ва 400 дан зиёд фуқарога суюлтирилган газ баллонлари берилди. 41 газ тақсимлаш пункти, 334 аҳоли хонадонига газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилди ва аниқланган носозликлар бартараф этилди.

Худди шундай тадбирлар тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам давом этди. Жумладан, Бешработ маҳалласидаги кўп қаватли уйларда йиллар давомида иситиш тизими билан боғлиқ муаммо аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келаётган эди. Бу масала ҳам ишчи гуруҳ томонидан эътиборга олинди, замонавий икки контурли 24 донга иситиш қозони ўрнатилди.

Аҳолини нафақат газ, балки электр энергияси таъминотидаги бир қатор муаммолар ҳам қийнаб келаётган эди. Жараёнда бу йўналишдаги мавжуд масалаларни ҳал этиш мақсадида худудларга 165 та янги темир бетон таянч ўрнатилди. 2-сектор худудидаги Хашман маҳалласида 1 та таянч бетон тўғриланиб, 2 истеъмолчининг кириш кабели янги сифатга алмаштирилди. 3-сектор худудидаги Янги куч маҳалласининг трансформатор пунктида таъмирлаш ишлари бажарилди. 4-сектор худудидаги Навбахор маҳалласида 10 донга таянч демонтаж ишлари бажарилди. Туманда электр таъминотида факулдада узлишлар бўйича 86 та ҳолат Навбахор тумани электр таъминоти ходимлари томонидан жойида бартараф этилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, тумандаги кўп қаватли 7 та уйнинг иситиш тизимини жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, шу кунларда бу борада амалий ишлар бошланди.

Шунингдек, Навбахор туманида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида тумандаги 151 фуқаронинг имтиёзли кредит олиш учун мурожаатлари ўрганилиб, 8 нафарига кредит учун тавсиянома



берилди. 38 фуқаро доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 67 фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилган ишлар натижасида эҳтиёжманд 28 фуқаро реабилитация воситалари ҳамда сихаттоҳларга йўланма билан таъминланди.

Жараёнда “уч авлод” учрашуви ташкил этилган ҳам айни муддао бўлди. Хайрли ва эзгуликка йўғрилган тадбир ёшлар учун нурунийларнинг доно тажрибасини ўрганиш ва улар билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиш, олтиндан қиммат маслаҳатларини олиш имконини берди.

Узаро суҳбат ва мулоқотларда мамлакатимизда инсон омилга юксак эътибор берилмаётгани, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатилаётгани, инсон кадр-қиммати, унинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга имконияти яратиш устувор вазираси айлангани таъкидланди. Уч авлод вакиллари биргаллик туман марказидаги майдонга яхши ниятлар билан дарахт ўтказди.

Мухтасар айтганда, бугун туманда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган ислохотлар ижобий ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Халқнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни рози қилиш йўлидаги бу каби саъй-ҳаракатлар худудда йиллар давомида тўланадиган қилган муаммоларга ечим топишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШИБ

“ХЕЧ КИМНИ ОРТДА ҚОЛДИРМАСЛИК”

Барқарор ривожланиш мақсадлари нима учун ушбу тамойилга асосланади?

Бошланиш 1-бетда

“Барқарор ривожланиш мақсадлари (БМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияни қабул қилиш ҳақидаги таклифи эса мазкур халқаро ташкилотнинг 2020 йил 14 декабрь куни бўлиб ўтган саммитида бир овоздан маъқулланди. Бу минтақа ва дунё ҳамжамияти олдида турган муаммолар ечими борасида Ўзбекистон ташаббуслари халқаро миқёсда қўллаб-қувватланаётгани, улар асосида халқаро ташкилотларнинг норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётганининг яна бир тасдиғи ҳисобланади.



Умуман олганда, Барқарор ривожланиш деганда нима тушунилади? Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Статистика агентлиги директори уринбосари Зоҳиджон ЗИЯЕВ билан суҳбатимиз шундай савол билан бошланди.

— Барқарор ривожланиш — айна пайтда умргузаронлик қилаётган инсонлар эҳтиёжларини қондиришда келажак авлодга зарар етказмасдан тараққий этиш дегани. Ёки бошқача айтганда, ҳозирги фаолият ва замонавий жамият эҳтиёжларини қондиришда келажак авлодларга зарар етказмайди, балки улар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган тараққиётга эришишди.

Барқарор ривожланиш (инглизча — sustainable development), шунингдек, уйғун ривожланиш, мувозанатли ривожланиш иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёни бўлиб, унда табиий ресурслар, инвестиция, илмий ва технология тараққиёт йўналишлари, шахсий ривожланиш ва институционал ўзгаришлар бир-бири билан мувофиқлаштирилади ҳамда инсон эҳтиёжлари, интилишларини қондириш учун ҳозирги ва келажакдаги саложиятни мустаҳкамлайди. Қолаверса, барқарор ривожланиш деганда, кўп жиҳатдан одамлар ҳаёти сифатини таъминлаш тушунилади.

БМТ барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий ғояси — ҳеч кимни ортда қолдирмаслик. Айнан шу боис, камбағалликни йўқотиш масалаларида, биринчи навбатда, инсон капиталига эътибор қаратиш зарур. Бугунги кунда инсонни муҳтожлик ҳолатидан олиб чиқишнинг ўзи етарли бўлмади қолди. Ижтимоий ҳимоя шунчаки қўллаб-қувватлаш эмас, имкониятларни кенгайтиришга йўналтирилиши лозим. Бундай ёндашув олға ҳаракатланишга ёрдам беради.

— Дунё ҳамжамияти томонидан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш буйича қарор қабул қилинишида Минг йиллик ривожланиш дастури қандай ўрин тутайди?

— Энг аввало, Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосида Минг йиллик ривожланиш мақсадлари буйича эришилган ютуқлар ётади ва қашшоқликнинг барча кўринишларига барҳам бериш буйича саъй-ҳаракатларни давом эттиришни назарда тутайди.

Минг йиллик ривожланиш мақсадлари дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидаги ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яхшилаш орқали тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган, БМТга аъзо 193 давлат томонидан 2000 йилда 23 та халқаро ташкилот иштирокида 2015 йилга келиб эришилиши келишиб олинган саккизта халқаро ривожланиш дастурини ўз ичига олади. Булар қашшоқлик ва очарчиликка барҳам бериш, умумий бошланиш таълими таъминлаш, гендер тенглигини тарғиб қилиш ва аёллар имкониятларини кенгайтириш, болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, ривожланиш учун глобал ҳамкорликни шакллантиришдан иборат.

Ушбу мақсадлар 2000 йилда бўлиб ўтган Минг йиллик саммитида расман

белгилаб қўйилди, унда иштирок этган барча давлатлар раҳбарлари БМТнинг Минг йиллик декларациясини қабул қилди ва ижросини таъминлашга киришди.

БМТ Бош қотиби томонидан мазкур ташкилотнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2015 йилда бўлиб ўтган юқори даражадаги мажлисида дунёнинг барча минтақалари ва мамлакатларида саккизта мақсадни амалга ошириш якуний натижалари жамланган ҳисоботи тақдим этилди. Унда қайд этилишича, глобал миқёсда ўта қашшоқликда яшовчи одамлар сони икки бараварга қисқариб, агар 1990 йилда 1,9 миллиард киши шундай шароитда яшаган бўлса, 2015 йилга келиб улар 836 миллион нафарни ташкил этган.

Минг йиллик ривожланиш мақсадлари дастурини қабул қилган мамлакатлар унинг муваффақиятини, шу билан бирга, унинг узвий давоми бўлган янги кун тартибини қабул қилиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, тузилган ишчи гуруҳнинг кўп йиллик таҳлиллари асосида юзага келган “Дунёимизни ўзгариши: 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби” номи якуний ҳужжат буйича келишувга эришди. Мазкур янги кун тартиби 2015 йил сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 70-сессиясида қабул қилинди.

Бу резолюция принципаал жиҳатдан янги глобал мажбурият ҳисобланади. Унда Барқарор ривожланишнинг 17 мақсади ва унга эришишнинг 169 вазифаси кенг миқёсда масалалар, яъни одамлар соғлиги ва фаровонлигидан то иқлим ўзгаришларигача, гендер тенглигидан тортиб истеъмол ва ишлаб чиқариш моделлари ўзгаришларигача бўлган жараёнларни қамраб олган.

— Глобал миқёсда 17 та барқарор ривожланиш мақсадлари тасдиқланган, Ўзбекистонда эса уларнинг 16 таси қабул қилинган. Бунинг сабаби нимада?

— Юқорида қайд этилган резолюцияга мувофиқ, 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги белгиланган мақсадларга эришиш учун дунёдаги ҳар бир давлат географик жойлашуви, имкониятлари ва тараққиёт даражасини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг миллий мақсадлари ва уларга эришиш стратегиясини белгилаб олган.

Ўзбекистонда ҳам “2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби”ни амалга оширишнинг аниқ механизмини шакллантириш ва уларга



даврдан барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси учун долзарб ҳисобланган 16 мақсад ва 125 вазифа тасдиқланди.

Хукуматнинг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан белгиланган 16 та мақсадга эришиш учун вазифалар 126 тага кенгайтирилди ва 190 та миллий БРМ индикатори тасдиқланди.

— Мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш натижаларини мониторинг қилиш ва улар ҳақида жамоатчиликни хабардор этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни кузатиш ҳамда ушбу соҳада бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аниқ ва ўз вақтида тайёрланган, характеристикалари буйича

раҳбарлигида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг кўрсаткичлари буйича идоралараро ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилиб, унинг зарур бўлган глобал индикаторлар асосида МБРМ кўрсаткичлари тизимини доимий янгиллаб бориш ва унинг методологиясини шакллантириш, уларни доимий тўплаш ва МБРМ веб-порталида (www.nsdg.stat.uz) эълон қилиб бориш каби вазифалар юклатилган.

Ўтган давр мобайнида Статистика агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланган 190 та миллий барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари рўйхатини ишлаб чиқди.

БМТ Статистика бўлимининг веб-саҳифасида Барқарор ривожланиш мақсадлари буйича илғор тажриба билан мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни кузатиб бориш ҳамда жамоатчиликни хабардор қилиш борасида амалга оширилётган ишлар тўғрисидаги маълумот эълон қилинди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари буйича эришилган натижаларини кузатиб бориш ва ушбу соҳада мамлакатда мавжуд вазият тўғрисида долзарб маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида БМТ Тараққиёт дастурининг техник кўмаги билан 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари буйича веб-сайт (<https://nsdg.stat.uz/>) фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу веб-сайт Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадлари буйича ютуқларини таҳлил қилиш ва кузатишда миллий ҳамда халқаро фойдаланувчилар учун ягона ва ишончли маълумотлар манбаси ҳисобланади. Яна бир афзаллиги, унга кирувчилар дастурий воситалардан фойдаланмасдан турли даражадаги тафсилотлар билан янги кўрсаткичларни, шунингдек, услубий маълумотларни юклаш имконини берадиган қулай интерфэйсга эга. Платформани юклаб олиш ва бошқариш учун маълумотлар оқимини мувофиқлаштириш Статистика агентлиги томонидан амалга оширилди. У замонавий визуализация усуллари билан амалга оширади, бу фойдаланувчига таҳлилий жадвалларни ва график тасвирларнинг энг муҳим турларини танлаш имконини беради. Унда ҳисоблаш методологияси ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлган ҳар бир индикатор инобатга олинган.

Веб-сайт ўзбек, рус ва инглиз тилларида юритилади. Бу платформа МДҲ мамлакатлари орасида илғор амалиётнинг ажойиб намунаси ва БМТ

БМТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯСИ — ХЕЧ КИМНИ ОРТДА ҚОЛДИРМАСЛИК. АЙНАН ШУ БОИС, КАМБАҒАЛЛИКНИ ЙЎҚОТИШ МАСАЛАЛАРИДА, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ИНСОН КАПИТАЛИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР. БУГУНГИ КУНДА ИНСОННИ МУҲТОЖЛИК ҲОЛАТИДАН ОЛИБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ БЎЛМАДИ ҚОЛДИ. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ШУНЧАКИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЭМАС, ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ ЛОЗИМ. БУНДАЙ ЁНДАШУВ ОЛҒА ҲАРАКАТЛАНИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳомийлигида йиғиладиган олий даражадаги сиёсий форуми томонидан мунтазам кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг 84-бандида кўрсатилганидек, олий даражадаги сиёсий форумнинг мунтазам ҳисоботлари ихтиёрий бўлиб, давлатлар томонидан бошқарилади.

Ихтиёрий миллий ҳисобот 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибини амалга оширишни жадаллаштириш, шу жумладан, муваффақиятлар, қийинчиликлар ва олинган сабақлар буйича тажриба алмашишда қўл келади. Хусусан, 2023 йил июль ойда бўлиб ўтадиган олий даражадаги сиёсий форумда 2 та маърузачи (давлат) биринчи марта, 39 таси иккинчи марта ва 1 таси учинчи марта ихтиёрий миллий ҳисоботини тақдим этади.

Ўзбекистон илк бор Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Ихтиёрий миллий ҳисоботини 2020 йил тақдим этган. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2026 йилгача даврни қамраб олган иккинчи ихтиёрий миллий ҳисоботга тайёргарлик буйича “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Ҳозирда унинг дастлабки лоийҳаси тайёрланиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар томонидан ҳисоботни такомиллаштириш буйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Бертельсманн халқаро жамғармаси мамлакатларни асосий индекслари буйича ривожланиш тенденцияларини ўрганиб чиқади ва унга асосан, ҳар йилда бир мартаба

АГЕНТЛИГИМИЗ ТОМОНИДАН 2018, 2019, 2020 ВА 2021 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ БРМЛАРГА ЭРИШИШ БЎЙИЧА СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТЎПЛАМЛАРИ” УЧ ТИЛДА (РУС, ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ) ТАЙЁРЛАНГАН ВА НАШР ЭТИЛГАН. ЎТГАН ЙИЛГИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ЧОП ЭТИШ ИШЛАРИ ТЕЗ ОРАДА ЯКУНИГА ЕТАДИ.

“SDG Tracker”ни жорий этди ва фойдаланувчиларга қулай бошқарув панели яратилди. Айна пайтда мавжуд маълумотларни БРМ “SDG Tracker” бошқарув панелига киритиш буйича ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда Статистика агентлиги томонидан юритиладиган миллий БРМ веб-сайтида учта тилда (рус, ўзбек ва инглиз) 128 та миллий БРМ кўрсаткичлари, 60 та кўрсаткич эса “Tracker” БРМ бошқарув панелида жойлашган.

— Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни кузатиб боришда халқаро миқёсда қандай тадбирлар амалга оширилади?

— БМТ Бош Ассамблеясининг 70/11-сон резолюциясининг 79-бандида айнан ушбу соҳада миллий даражада амалга оширилладиган ишлар тўғрисида тавсиялар келтирилган. Унда мамлакатларнинг ўзлари бу ҳисоботларни бошқариб бориши, миллий шароит, стратегия ва устуворликларга мувофиқ, маҳаллий халқлар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва бошқа манфаатдор томонлар фикрларини ҳисобга олиши, бу жараёнларни бошқа институтлар қатори миллий парламентлар ҳам қўллаб-қувватлаши мумкинлигига ургу берилган.

Ушбу миллий ҳисоботлар БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини

рейтинг натижаларини эълон қилади. Мазкур рейтинглар дунёнинг етакчи илмий ташкилотларининг 300 га яқин экспертлар тадқиқотлари асосида тузилади.

Бертельсманн халқаро жамғармаси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш дастури доирасидаги мустақил ташкилоти саналиб, жамғарманинг мустақил экспертлари индексни ҳисоблаб чиқиш жараёнида 17 та мақсад буйича 100 га яқин халқаро мезон ва индикаторларни ўз ичига олувчи маълумотлар манбаларини таҳлилларни хулосалари асосида йиллик рейтинг эълон қилинади. Мазкур жамғарма томонидан 2022 йилда эълон қилинган Барқарор ривожланиш индекслари индекс ҳисоботида Ўзбекистон 163 та мамлакат орасида 69,9 балл билан 77-ўринни эгаллади.

Умуман олганда, фаолиятимизнинг барча жиҳатлари шундан далолат берадики, мамлакатимизда барқарор ривожланиш соҳасида ишлар изчил олиб борилгани ҳолда, “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойили асосида ривожланишда давом этади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатчи.



эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан йўналишлар буйича ишчи гуруҳлар тузилиб, ҳар бир глобал мақсад ва вазифаларни миллий устуворликлардан келиб чиққан ҳолда, мослаштириш буйича ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар натижасида жами 17 та глобал Барқарор ривожланиш мақсадларидан 16 таси буйича Ўзбекистонда тегишли ишлар амалга ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бунда мамлакатимиз ҳудуди океан ва денгиз билан туташмаганлиги инобатга олиниб, “Барқарор ривожланиш учун океанлар, денгизлар ва денгиз ресурсларини сақлаш ва барқарор фойдаланиш” деб номланувчи 14-мақсад ва унинг таркибига кирувчи 10 та вазифанинг юртимизда эришилиши имконияти мавжуд эмас, деб топилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган

тақсимланган, долзарб ва фойдаланиш учун қулай бўлган статистик маълумотлар зарур бўлади.

Бу борада статистика ҳамжамияти зиммасига 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кўрсаткичларни шакллантириш вазифаси юклатилган. Дунёнинг бошқа давлатлари каби Ўзбекистонда ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларига миллий миқёсда эришиш буйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Шунингдек, бу борада тармоқлараро мувофиқлаштириш ва интеграциялашган ёндашувни таъминлашни кўзда тутиш ҳолда, “Иқтисодий фаровонлик”, “Ижтимоий ҳимоя”, “Соғлиқни сақлаш”, “Таълим”, “Атроф-муҳит”, “Самарали бошқарув” каби эксперт гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги

МУЛОҲАЗА

ҲАЁТГА ҚАНДАЙ КЎЗ БИЛАН ҚАРАЙСИЗ?

Мамаюнус ПАРДАЕВ, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор
Шухрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Бу ҳолни кузатган ёши улуг одам бошқа гапни айтди:

— Бу ёмғир жуда керак эди. Кўндан оби раҳмат ёғилляпти. Буюм халқнинг ризиқи. Далалар, яяловлар намга тўйса, эл тўяди. Қозонга барака тўлади.

Кўрдингизми, бир ҳолат икки хил баҳоланяпти. Қайси бири тўғри, деб ўйляяпсиз? Назаримда, ҳар бир ҳолатдан ҳикмат излаб, яхши кўз билан қараган маъқул.

Японияда юз ёшдан ўтганлар кўп дейишади. Кузатувчиларнинг айтишича, келажакка эзу ниат билан қараган, соф кўнглили одамлар узок умр кўра экан.

Ҳар бир инсон бировларнинг ишига баҳо берганда, "Мен нимани койил қилиб кўйдим?" деган саволни ўзига ҳам бериб кўриши керак. Бугун — катта имкониятлар яратилаётган бир пайтда оиласини тузувчоқ бошқармаётган, фаровонлигини таъминлай олмаётганлар давлатдан нолийди. Менга давлат уни қилиб бериши керак, буни қилиб бериши керак... Давлат ўз халқига шароитларни яратиб беряпти-ку. Ҳаракат қилган одамларнинг ҳаётида катта-катта ўзгаришлар бўляпти. Улар ўз ҳаётидан рози. Имконият ва шароит яратиб бериб ҳам давлат ҳар бир одамнинг томоқсасини чопиб, экин экиб, ҳосилини йиғштириб бермайди-ку, ахир!

Маҳаллада учрашув ўтказётган эдик. Бир аёл нолиб қолди. "Бизга ҳокимият қарамайди, унимиз кам, бунимиз кам..." Биз аёлнинг хонадонига бордик. Дарвоза олдида то ховлигача ер супурги кўрмаган, қаралмаган. Биз "Ваъда берамиз, ҳокимият келиб, кўча-элик, ҳовлиларингизни супуриб беради", дедик. Инсон ислохотни биринчи галда ўзидан бошлаши зарур. Қўлидан келганча меҳнат қилиши, турмуши фаровонлиги учун интилиши, ҳеч йўқ, ўз худудини озода туттиши ўрганиши керак. Дангаса одам нолишни яхши кўради. Узимизга бир савол берайлик: шунча иш бўляпти, агар буларни инкор қилсак, уят эмасми?!



Шифохонада кўшни палатада турган онахон нолиб қолди:

— Шу "суперконтракт" ҳақида ўйласам, жигибийрон бўламан. Шунча пулни топишнинг ўзи бўладими? Саккиз, ҳатто тўққиз хонали рақамда ёзилар экан. Қани бу ерда адолат?

— Кечирасиз, — деб тушунтиришга ҳаракат қилдим. — Кўшимча маблаг тўлаб ўқишга кириш ҳамма учун эмас, имконияти борлар учун. Ахир сармоясини бор оила пулини илгаригидек порога эмас, қонуний йўл билан давлатга топширади. Қолаверса, "суперконтракт"дан қутулишнинг осон йўли бор: болагиз яхши ўқисин, юқори балл олсин, шунда давлат гранти асосида ўқийди. Яхши ўқиб сиз айтган пулни тўлашдан афзал-ку!

Демак, ҳамма гап масалага қайси кўз билан қарашда экан. Кўнглида эзулик бўлган, пок ниятли одам ҳаммиса эртанги кунга ишонч ва умид билан назар ташляйди. Халқимиз ҳаётини яхшилашни кўзлаган кенг қамровли ислохотларимиз ҳам очик кўнгли билан қарашни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифини, сафарининг ҳар бир манзилини халқимиз ўзгача эътибор билан кузатади. Аслида, Президент ташрифи ҳар бир худуд аҳолиси учун байрам, десак бўлади. Негаки, ўша жойда яшётган одамлар учун давлат раҳбарининг келиши, унинг баҳоси катта воқеадир. Нафақат ўша вилоят, айна пайтда бутун республика миқёсида янги вазиғлар белгилаб берилади. Президент ҳар бир гапда, ҳар қадамда "Бу ишлардан халқимизга нима манфаат?" деган саволни қўяди ва одамлар иштирокида муаммага ечим топади.

Кейинги йилларда яхши бир анъана шаклланди. Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга бормасин, ўша жойда беш-олтита янги корхона иш бошлайди. Минг-минглаб одамлар кўшимча иш ўрнига эга бўлади. Бу ўша худуд учун ризқ-насибадир.

Шундай кўтаринки воқеаларни ҳам негатив баҳолаётганлар борми, дерсиз?! 2022 йил 20 декабрда давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга, бутун халқимизга Мурожаатнома билан чиқиш қилди. Бу мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа эди. Ушбу тадбирни халқимиз ойнаи жаҳон орқали зўр қизиқиш билан қарши олди. Мурожаатномада халқимизнинг эртанги кунга алоҳида умидбахшлик билан ифода топган эди. Лекин худди ўша дақиқаларда айрим кишилар халқ фикрини чалғитмоқчи бўлди. Албатта, кўнглида ахшилиқни ниёт қилган халқ бундай хатти-ҳаракатдан янглишмади. Одамлар Президент ҳаммиса халқ томонида эканини, шу эл-улусдан куч олишини яхши билади.

Жорий йилда машина ҳайдовчилари учун аҳоли пунктларида тезлик чегараси соатига 70 километр эмас, 60 километр қилиб белгиланди. Нима учун? Халқимизнинг хавфсизлиги, осоийшталлиги учун. Шу янглиқни ҳам ҳар ким ҳар хил баҳолади. "Энди йўлларда тирбандлик яна кўядади, тез ҳайдасак, манзилга тез борардик", деганлар ҳам бор. "Жуда яхши бўлди-да. Баъзи ўпқаси йўқларнинг попуғи пасаяди. Автохалокатларнинг



олди олинади", дейдиган юртдошларимиз бу ислохотни тўғри тушунди. Умуман, ҳаётимиздаги ҳар бир ўзгариш халқ турмушини яхшилаш мезони билан ўлчанса, масала ойдинлашади. Статистик маълумотларга назар ташляйлик: кейинги олти-етти йил мобайнида халқ ҳўжалигининг турли жаҳасида қарра-қарра ўсишлар намоён бўлмоқда. Бир тоифа одамлар бу янглиқларни кўриб кўрмасликка оляпти. Уларга қўйиб берсангиз, бугун умуман қонун ишламаётган экан. Фақат орқага кетиб бораётган эканмиз. Ҳой, кўзингизни каттароқ очинг. Ўзбекистондаги ривожланиш жараёнига, бизга қўшни давлатлардаги дўстларимиз ҳавас қилляпти. Ўзбекистон биздан анча йилларга илгариллаб кетди, дейишляпти.

Биз Ўзбекистонни АҚШга қиёс қилмайлик. Ушбу мамлакат мустақил фаолият олиб борганига неча йиллар бўлди. Бизнинг ўзимизни ўзимиз бошқараётганимизга, ўзимизнинг табиий ресурсларимиздан ўзимиз фойдаланаётганимизга эндигина ўттиз йилдан ошди, холос. Энг ноёб табиий ресурсларимиз (олтин, қумуш, мис, уран) ўзимизнинг мамла-

катимиздан қазиб олинар эди. Аммо бу бойликлар бизнинг республикамиз бюджетига, мос равишда, халқига хизмат қилмас эди. Собиқ СССР ҳисобида, марказда бўлар эди. Биз пахтакор эдик. Жамиятнинг бойлигини етказган халқ 15 республика ўртасида энг камбағал аҳволда кун кўрганимизни бир эслайлик. Камбағаллик даражаси бўйича қуйи поғона — 14-ўринда, биргина Тожикистондан олдинги поғонада турардик.

Бир касбни эғаллаш учун қисқа вақт этади. Аммо инсон бўлиш учун бир умр етмаслиги мумкин экан. Инсон бўлишга улгуриб қолсак, қошки эди. Ёши олти-мишлардан ошган дўстларимиз қолган умрни ўйнаб-қулиб ўтказайлик, деб ниёт қилади. Эндиги умрни ибодатда тақвода, ёшларга ибрат бўлиб ўтказишни ниёт қилиб, имкони борича яратувчанлик билан шўғулланиб яшаса, яхши эмасми?! Агар биздан охирада Аллоҳ "Мен сенга шунчалик салоҳият, илм, мансаб ва мартаба бердим, сен жамият, Ватан, миллат манфаати, уларнинг тараққиёти учун нима қилдинг?" деб сўраса, нима деб жавоб беришни ҳам ўйлашимиз лозим.

Илгари пластик картадаги сармоияни нақд пулга алмаштириш қанақа муаммо



ҲАММА ГАП МАСАЛАГА ҚАЙСИ КЎЗ БИЛАН ҚАРАШДА ЭКАН. КЎНГЛИДА ЭЗГУЛИК БЎЛГАН, ПОК НИЯТЛИ ОДАМ ҲАМИША ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ВА УМИД БИЛАН НАЗАР ТАШЛЯЙДИ. ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШНИ КЎЗЛАГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОХОТЛАРИМИЗ ҲАМ ОЧИҚ КЎНГИЛ БИЛАН ҚАРАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

қўриб, кузатиб турибди, деган эътиқодимиз бор. Узининг рўзгорини қойилляпти қўя олмаган, бировнинг хожатини чиқармаган "шоввозлар" давлатни танқид қилишга ҳам ўтиб қолди.

Албатта, камчиликлар бўлиши мумкин. Чунки биз янги йўлдан кетялмиз. Бироқ мана шу йўлда ўз манфаатини халқнинг манфаатидан устун қўйиб, турли йўллар билан халқнинг мулкни ўзлаштириётган нопоқлар ҳам йўқ эмас.

Ҳозир жиноятчилар, халқ мулкни ўзлаштирганлар қонун олдида жавоб бермоқда. Энг даҳшатлиси, уларнинг жавоби Аллоҳ олдида қаттиқ бўлади. Биз давлатимиз сиёсати "яхшимас", деб вой-доқ қилган, "биродарлар, кўзимизни очайлик, бизга берилган имконият фақат ўзинг ўзлаштир дегани эмас, биз халқимизга хизмат қилиш учун берилган имконият эртага бу ўзлаштиришларнинг қаттиқ жавоби бор", деб ўпқони очилган амалдорларни тарбиялашга қаратайлик. Зеро, жиноят, албатта, жазосини топади. Бу ривоятга эътибор қилинг.

Одамнинг уч дўсти бор экан. У ҳаёти давомида жуда катта эътибор қиладиган, барча куч ва вақтини сафлайдиган дўсти биринчиси экан. Аммо одамнинг жони танасидан узилиши билан унинг дўстлиги тугар экан.

Иккинчи дўсти одам билан деярли бирга. Бунга ҳам одам жуда кўп эътибор беради ва эътибор талаб ҳам қилар, бу дўст уни жони узилгандан кейин қабргача кузатиб ўйлар экан.

Учинчи дўстга инсон тириклик чоғида унчалик аҳамият бермас экан. Аммо охирагача бирга бўларкан.

Энди қаранг. Одамнинг биринчи дўсти инсоннинг тўплаган молу дунёси бўлиб, бунинг учун қанча жиноят қиласиз, қасам ичасиз, аммо жонингиз узилгандан сўнг у сиз билан хайрлашади.

Иккинчи дўст — одамнинг оила аъзолари, дўстлари ва яқинлари. Уларга биринчи дўстдек унчалик аҳамият бермас эканмиз. Аммо булар қабргача кузатиб борар экан.

Одамнинг учинчи дўсти унинг қилган савоб амалларидир. Бежиз "берганинг ўзингники, чўнтагиндаги омонат", дейилмайди. Сиз бир мискинга эҳсон қилган бўлсангиз, у сизнинг қўлингиздан кетади, аммо савоби ёзилди. Мол-мулкнингизни биров олиши мумкин, бу дунёда улар қолади. Шунинг учун омонат. Аммо савоб амалларни ҳеч ким тортиб ололмайдди.

"Янги Ўзбекистон" деган таърифни ўзича киноя билан шарҳлайдиган одамлар пайдо бўлди. Бу иборада "Энди эскича ишлаш, эскича яшаш бизга тўғри келмайди. Замон ўзгарди, янги уфқлар кўзга ташланяпти. Янги талабларни дилимизга тугиб, янгича ишлайлик", деган маъно мумкин. Ишимиздаги бирор камчиликни кўрсатиб, "Шу Янги Ўзбекистонми?" деган гапни айтишляпти. Ана ўша камчиликни тўзатиб, беғубор ҳаётга қадим қўйишимиз Янги Ўзбекистондир.

Тўғри, катта ишда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳеч иш қилмаган одам камчиликка йўл қўймагани мумкин. Хўшёрлик билан аҳволни ўнглаш, чорасини кўриш ҳар биримизнинг вазифамиз. Бунинг учун яхши ниятни дилга тугиб, ёруғ юз билан режа тўзишимиз керак.

Қишлоқларда бўлганда юзларига йиллар ажин солган нуруний отахонлар гурун-гидан бир олган заъф оламиз. Улардан ҳол-аҳвол сўрасак, "Хўдога шўр, замонамиз ажойиб. Маза қилиб яшяялмиз", дейди. Негаки, улар оғир даврларни бошдан кечирган, соатлаб нонга навбатда турган, арпа ундан нон ёлган. Шу фаришта мисол отахон-отаноҳоларнинг суҳбатини олинг, қандай замонда яшяётганимизни ҳис қиласиз.

Кўпни кўрган машойихларнинг айтишича, Хўдо ҳам яхши ният қилганга беради. Аҳвол чатоқ, юрагим бетиб деган одамга фаришталар "оми" дейиши мумкин. Нолийдиган, бировларнинг шаънига тош отадиган биродарларимизга Садриддин Салимининг сўзи кифоя:

Иллат излаганга иллатдир дунё, Гурбат излаганга гурбатдир дунё. Ким неки изласа, топағай беғумон, Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати бош мутахассиси

Буюк таянч

Дунёқарашлар ўзгариб, юртга муҳаббат улғаймоқда

Шу асосда яқинда Қорақалпоғистон Республикасида масъул вазирлик, идора ва ташиқлотлар ҳамкорлигида "Жасорат мактаби" ўқув-ийғини ташкил этилди. Бу тадбир жасоратли, матонатли, шижоатли ёшларни юзага чиқарди.

Куйида уларнинг таассуротлари билан ўртоқлашамиз.

Ўзгаришим керак!

— Ўн саккиз ёшдаман. Телевидениеда тенгдошларим эришган ютуқларни кўриб, ҳавас қилардим. Шунда ўзим ҳам ҳаракат қилсам, улардек бўлишга кучим етади-ку, деган қатъий аҳд пайдо бўлди.

Ўзгаришим керак! Токи одамлар, тенгдошларим менга ҳам ҳавас билан қарасин. Мана шу мақсадимга эришишда "Жасорат мактаби" ўқув-ийғини катта куч, рухий мадад берди. Ҳаётий қарашларимни тубдан ўзгартириб юборди. Бу ерда кимки мақсад қўйиб, олға интилсагина, натижага эришиши мумкинлигини англадим, — дейди Сакен Қилишбоев.

Бемақсад ва бесамар кетган йиллар ҳақида ўйладим

— "Жасорат мактаби" ўқув-ийғини давомида таниқли инсонлар билан учрашдик, тадбиркорлар билан суҳбат-

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида, шунингдек, Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш борасида қатор вазиғаларни белгилаб, бу борада Жиззаҳ тажрибасини кенг татбиқ этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берган эди.

лашдик, малакали психологлар тренингларида қатнашдик.

Ун кун ҳарбийлар ҳаётида яшадик. Бу жуда қизиқ эди. Йиғинга келган имиддан бир неча кун ўтиб, мулоҳаза қилдим, бемақсад ва бесамар кетган йиллар ҳақида ўйладим. Ишсизлар сафидида кунлик ишларни бажариб юрардим. Бўш вақтим жуда кўп бўлган экан, йиллар ортга қайтмайди, лекин бугун ҳам кеч эмаслигини тушундим. Ўқишга кириб, юртим равнақи йўлида хизмат қилиш мақсадини олдимга қўйдим. Ҳарбий қисмда менга билдирилган ишончроқ оқлайман, — дейди Расул Рисанович.

Ватан ҳимоячиси бўламан!

— Ҳарбий кийимнинг ҳам салобати бор экан, улардек бўлишга ҳаракат қилар экансан. Юрт келажаги, тинчлиги сенинг зимманда гўё. Мен ўзимни ҳақиқий ҳарбийдек ҳис этдим.

Генераллар биз билан жуда самийий суҳбатлашди. Мудофаа вазири ўринбосари ва ҳарбий округ қўмондонининг ҳар бир сўзи панду насихатга йўғрилган. Улардан ҳаётимиз учун муҳим хулосалар олдик.

Округ қўмондони "Юлдузингиз сўнамсин. Юлдуз нима? Орзу. Орзулар қилинса, яхши яшаш ва яхши ном қолдиришга интилин!" дея бизга ҳаётбахш гапларни айтганида, ичимда галаён турди. Болалиқдаги орзум яна қайтадан забт этди. Мен, албатта, Ватан ҳимоячиси бўламан, — дейди Сердар Тагиев.

Мени ишга таклиф қилишди

— Ҳарбий қисмга келган куним қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Ҳарбийча ҳаётда яшаш кийин бўлса керак, деб ўйлагандим. Ундай эмас экан. Тўғри, бир оз уйқучман. Эрта тонгдан уйғониш кийин бўлди, лекин тартибга мослашдим.

Эрталабки бадантарбия ва соғломлаштириш машқларида фаоллигим ошди. Фавқуллода вазиятлар вазири кубоги учун бўлиб ўтган волейбол тусобақасида фаол иштирок этган эдим, мени вазирлик тизимига ишга таклиф қилишди. Қутулмаган таклиф қувонтириб юборди. Йиғинда очилмаган қирраларимиз намоён бўлди. Инсон ҳар нега қодир экан, фақат хоҳиш, ирода, сабр ва ҳаракат бўлса бас, — дейди Одилбек Мамутов.

Телефон ўйинлари ва ижтимоий тармоқлар хисларни ўтмаслаштириб қўяр экан

— Шеър ёзишни машқ қилиб тураман, кейин уни гитара оҳангида хиргойи қилиш иштиёқи кучли. Лекин уч йилча бўлди, бу иштиёқ ҳам сўна бошлаган эди. Сабабини аниқ билмайман, ҳозир англашмича, телефон ўйинлари ва ижтимоий тармоқлар хисларни ўтмаслаштириб қўяр экан чоғи. "Жасорат мактаби"га келишим билан илҳомландим. Ҳарбийча ҳаёт ҳақида шеър ёздим.

Ун кунлик йиғинда қайта тугилгандек ички дунём янгиланди. Вақт қадрини англадим. Энди мақсадларим аниқ



ва дадил. Мени биров тингламайди, деб ўйлардим. Бу ерда мен билан ҳам фикрлаша бошлашди, қолаверса, ўз фикримни жамоага айта оляман.

"Жасорат мактаби" мени жасоратли бўлишга ўргатди, — дейди Саломат Пиржонов.

"Жасорат мактаби" ўқув-ийғини иштирокчиларининг таассуротлари, ўй-фикрлари, орзу-умидлари билан танишингиз. Ҳар бири бошқа дунё.

Ҳарбий қисмдаги ўн кунлик ҳаёт тарзи ёшлар дунёқарашини буткул ўзгартириб юборганини уларнинг мулоҳазаларидан ҳам сезиш қийин эмас. Шунда Президентимизнинг Ватан ҳимоячи-

рига байрам табриғида айтган фикри ёдга тушади: "Ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур. Шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз, энгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг "Билаги зўр эса — мингни", деган доно ўғитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни ўқтиради".

Дарҳақиқат, ҳарбий қисмда Сакен, Расул, Сердар, Одилбек ва Саломат каби ёшларнинг шаҳду шижоатини кузатар эканмиз, шу икки буюк таянч тобора мустаҳкамланиб бораётганига амин бўламиз.

